

Жуwmаqlaw. Улиwма алғанда ҳазирги кунде Тахтакөпир rayони аймағинда жами 40 халық жасaw орнлары бар болып, олардың payда болыwинда тийкаргы үлесті yaғны, 37,5 % ті гидронимлерден payда болған ойконимлер қурайды ҳам сонday-aq, урыw атамалары менен аталған etноойконимлер bolsa, 15 % ті қурағанлығын көремиз. Bunnan биз rayон аймағинда алдыңғы тарыхый дәwirлер dawамында суw объектleri әсиресе көллердің көп болғанлығын, sonиң менен

бирге, jергилік халықлардың азелден урыw-qawим болып жасағанлықларын билиwимиз мүмкін.

Усы илимиy изертлеwимиздің жуwмағы retинде respublikamızдың һәрбір rayони ushиn топонимлердің тарыхый payда болыw шынлықларын tерең изертлей отырып, һазирги кундеgi жаһа GIS texnologiyalarынан payдалаңан halда zamanagoy toponimiyalıq kartalar jaratıw бүgingи künniң aktual мәселелеринен biri dep esaplaymız.

Адебиятлар

1. Географиялық объектлерге атама беріу һәм атамаларын өзгертиу мәселелери бойынша Тахтакөпир районлық комиссиясының 2020-жыл 14-май күнги 01-08/77-санлы мәжилис баянламасын тастыйыклау ҳақында Халық депутатлары районлық Кеңесиниң шешими. /Тахтакөпир таңы 2020-жыл 26-октябрь № 20-21(6025-6026).
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 592-б.
3. Әбдиев А., Реймов А. Тахтакөпир тәрийпи. – Т.: «Turon-iqbol», 2019. 804-б.
4. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Сост. Ген. штаба кап. Гиршфельдом; Перераб. нач. Аму-Дарьин. отд. ген.-майором Галкиным. Часть I. – Т.: 1902. – С.248.
5. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.: – Л.: «Наука», 1950. –С. 172.
6. Иванин М.И. Хива и река Аму-Дарья. СПб, 1873. –С. 64.
7. Караев С.К. Ойконимия Узбекистана (историко-географическое исследование формирования названий населенных пунктов Республики). Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. – Т.: 1998. –С. 52.
8. Каульбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. Записки РГО по отделу общей географии, кн. IX. 1881. –С. 630.
9. Миракмалов М.Т. Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик лингвистика. География фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2020. 55-б.
10. Риза-кули Мырза. Ёмиўдәрйя областының қысқаша баянламасы // «Ёмиўдәрйя», 1992. №2. 92-103-б.
11. Сейтнязов К.М. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии. Диссертация на соискание ученой степени кандидата географических наук. – Т.: 1998. –С. 138.
12. Ханьков Я.В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства, с их окрестностями. СПб, 1851.
13. Ҳақимов Қ.М. Жой номларининг шаклланишида минтақанинги ижтимоий-иқтисодий географик хусусиятлари (Жиззах вилояти мисолида). География фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Т.: 2010. 25-б.
14. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири: Илмий – оммабоп таъриф. –Т.: «Ўзбекистон», 1985. 120-б.
15. Hakimov Q. Toponimika. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016. 368-b.
16. Herbert Wood. Notes on the Lower Amu-darya, Syr-darya and Lake Aral, in 1874 // The Journal of the Royal Geographical Society of London, 1875, Vol. 45 (1875), -P. 367-413.
17. Herbert Wood. The shores of lake Aral. – London: 1876. –P. 352.
18. Qorayev S. Toponimika. –Т.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. 320-b.

REZYUME. Ushbu maqolada Qoraqalpog‘iston Respublikasining Taxtakopir tumani oykonimlari geografik jihatdan tadqiq qilingan. Tuman oykonimlari leksik-semantik guruhlarga bo‘lib o‘rganilgan. Leksik-semantik xususiyatlari bo‘yicha Taxtakopir tumani oykonimlarining xaritasi ishlab chiqilgan.

REZYUME. В данной статье исследованы ойконимы Тахтакупырского района Республики Каракалпакстан с географического аспекта. Ойконимы районов изучены в распределении на лексико-семантические группы. Разработана карта ойконимов Тахтакупырского района по лексико-семантическим признакам.

SUMMARY. This article has been studied geographically the oikonyms of Takhtakupir district of the Republic of Karakalpakstan. District oikonyms are studied in lexical-semantic groups. A map of Takhtakupir district's oikonyms on lexical-semantic features has been developed.

УДК. 219-671; 67(2022)

ТЕАТР-ТОМОША ТАДБИРЛАРИДА МУСИҚАДАН ҒОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Г.Ешбаева – доцент

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: маданият, байрамлар, санъат, мусиқа, мақом, рисола, тадбир-режалар.

Ключевые слова: культура, праздники, искусство, музыка, статус, брошюры, мероприятия.

Key words: culture, holidays, art, music, status, brochures, activity-plans.

Меъморчилик мукаддас сўз миниатюра санъати, нақш, каби мусиқа ҳам Куръони Карим тамойилларидан келиб чиқади. Исломда мусиқа илоҳий кашфиёт сифатида талкин қилинади ва уни ўзгартириш ҳуқуқи кам одамларгагина насиб қилган. Фазовий тартиб-қоидалар ва мақомларнинг мусиқий тузилиши четга чиқишга йўл қўймайди. XVI асрда битилган «Мусиқа ҳақидаги рисола»да шундай дейилган: “Аввал бошида мақомлар еттига эди, улар етти пайғамбардан мерос бўлиб қолган. Рост — Одам Атодан, Ҳижоз — Иброҳимдан, Раҳовий — Исмоилдан, Ушшоқ — Ёқубдан, Ирок — Юсуфдан, Кўча — Юнусдан, Хусайний — Довуд пайғамбардан қолган” [1:45].

Исломда мусиқа фазонинг босқичли тузилиши ва уйғунлик-тартиблилик тамойилига қаттиқ таянади. Фазодан мусиқага кўчган уйғунлик ва босқичма-босқичлилик чексиз гўзалликнинг манбаидир. Араб файласуфи Ал-Киндий шундай деган эди: «... уйғунлик

хамма нарсадан ўрин олган, у ҳаммадан кўра оҳанг — овозларда, оламнинг тузилиши мусиқа ва инсонлар қалбида яққолроқ намоён бўлади». Бу фикрни тасдиқловчи далиллар кўп. Бу ҳақда XV аср мусикашуноси Мавлоно Нажмиддин Кавкабий «Мусиқа ҳақида рисола»сида шундай ёзади: «Айрим мақомларни ижро этиш учун мувофиқ келувчи вақтни танлаш керак. Раҳовий мақомини куёш чиқиши олдида, Ушшоқни куёш чиқиб бўлгач, Ростни чошгоҳ арафасида, Ирокни чошгоҳ пайтида, Бузрукни куёш ботиши пайтида, Бусалиқни дигар номози вақтида, Зангулани куёш ботиши олдида, Навони номозом пайтида, Зирафкани уйқуга ётиш олдида, Исфакхонни тунда ижро этиш керак» [2:90-91].

Исломда оқиллик ифодачиси Сўз — Калом зоҳирий ва ботиний қудратга эга. Мусиқа мақом ана шу Каломни янада тиниклаштиради — ақлни пешлайди. Фикр ва сўз етукликка эришгач, улар мусиқий қиёфада

чинакам уйғунлик ҳосил қилади, илоҳий тақомиллашади. Оламнинг уйғунлиги мўъжизадир. Умар Хайём одам уйғунлигини шундай тавсифлайди: «Яхлит тартиб мувозанат билан шартланур, унинг туфайли мувозанат яшнар». Зеро, Ислом эстетикасида Оламнинг уйғунлиги Аллох зеб берган гўзалликлар негизидир...» Муסיқа эса – Илоҳий кашфиётдир [3:79].

Шу кунга қадар халқнинг севиқли куйлари бўлиб келаётган Шашмаком – олти маҳом дувоздах – ўн икки маком заминиди шаклланиб борди. Шашмаком олти туркумдаги макомларни ўз ичига олади. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ирок. Бу макомлардан ҳар бири уч бутокдан ташкил топади: 1. Мушкилот. Мушкилот фақат чолғу асбоблари билангина ижро этилади; 2. Наср. Наср чолғу ва ашула билан ижро этилади; 3. Уфор. Уфор чолғу, ашула ва ўйин билан ижро этилади. Бутокларнинг ҳар бири яна бир неча куйни ўз ичига олади. Масалан, Бузрук мақомининг Мушкилоти Тасниф, Таржиъ, Гардун, Муҳаммас, Муҳаммаси Насруллоҳи, Сақийли Салимий ва Сақийли Султон куйларини, шу мақомнинг Насри Сараҳбор, бир неча Тарона, Талқини Узол, Насруллоҳи Насри Узол, Сипориш, жами 15 куйни ўз ичига олади. Ёки Наво мақомининг Мушкилоти Тасниф Таржиъ, Гардун, Нағма, Муҳаммаси Наво, Муҳаммаси Баёт, Муҳаммаси Хусайний ва Сақийли куйларини, Насри яна 15 куйни ўз ичига олади ва ҳоказо. Бундан ташқари, Шашмакомнинг бутун мақомлар туркуми билан эмас, балки алоҳида ижро этиладиган шўъбачалари ҳам бор. Масалан: Бузрук мақоми Савт сарвари (Талқин, Қашқарча, Соқийнома, Уфор), Мўғулча (Талқини Уфор), Дутор Ироқи (Талқин, Туширма, Уфор, Бебоқча), Дилхирож (Талқин, Қашқарча, Уфор) ва Рок (туширмаси) шўъбачаларини; Наво мақоми Савти Наво (Талқин, Қашқарча, Соқийнома, Уфор), Наво мўғулчаси (Талқин, Уфор), Каримқулбек мўғулчаси (Талқин, Нимчўпони яна Талқин, Уфор) ва Наво Мустазоди (Талқин ва Уфор) шўъбачаларини ўз ичига олади ва ҳоказо. Шашмаком куйларини ижро этишда 24 усул бор. Масалан, Сараҳбор — бумбак, бумбак; Тасниф — бакка бум бумбак — бум; Гардун — бакка-бакка бака бумбак; Уфор — бум-бум бак бумбак ва бошқалар. Бу усул воситаси билан машшоқлар ва ҳофизлар шогирдларига таълим берганлар, куйлар ёзув билан акс эттирилган. Шашмаком туркумларидаги куйлар.

Танбур, чанг, қонун, уд, барбат, рубоб, қўбуз, рўд, ғижжак, шамома (музикор), чағона, кунгура, арғунун (ҳозирги орган чолғу асбоби шундан олинган) каби асосий чолғу асбобларида ижро этилган. Бу чолғу асбоблари малакали усталар томонидан ясалган, усталар кўпинча тут ёғочни ишлатганлар, торни ипақдан қилганлар, чолғу асбобларини орнамент, қимматбаҳо тош ва бошқалар билан чиройли қилиб безаганлар.

Хуллас фан ва маданият шайдоси, ҳомийси бўлган темурийзода ҳукмдор Хусайн Бойқаро ва унинг ўнг қўл амири бўлган Навоий даврида Ҳирот шоир ва фузалолар, санъаткорлар масканига айланган эди.

Ўрта асрлар бошида Форобий, Ибн Сино ва бошқалар умуман музиканинг киши хулқига таъсири тўғрисида гапирган бўлсалар, Жомий музиканинг - мақомнинг тарбиявий аҳамияти устида тўхталади: «Билки, кишига лаззат бахш этишдан иборат умумий хусусиятдан ташқари... ўн икки мақомдан ҳар бири, ҳар бир овоз ва шўъба махсус таъсир кучига эга. Ушшоқ ва наво инсонда қудрат ҳамда жасурлик уйғотади, ваҳоланки, овоз бундай таъсир кучига эга эмас. Шўъбалар орасида савту наво руҳга шундай таъсир этади». Музиканинг тарбиявий аҳамиятига оид бундай фикр-мулоҳазалар ўз даври учун янгилик эди.

Жомий «Рисолайи музикий» асарида муסיқа назарияси, унинг турлари, ижро усуллари, баҳрлари ва

созлар ҳақида кенг маълумот бериб, музиканинг тараққиёт давлари хусусида ҳам тўхталади. Масалан, туркий даврни шундай изоҳлайди: «Туркий даври. Тўртта тури бор. Биринчиси — асли (ўзаги) янги туркий. У йигирма никрадан иборат. Алфози (яъни рукнлари) икки сабаби Ҳафийф (тан) орасида тўрт фосила (тананан): тан тананан тананан тананан тананан тан — муфтабилун мутафоилун фоилотун вазнида [4:51-52].

Иккинчиси — асли қадим туркий. Йигирма тўрт никра. Алфози — асли янги туркий алфозининг охириги бир фосила (тананан) орттирилган...

Учинчиси — туркий ўзи қолади. Ҳафийф (енгил) ўн икки никра: тан тан танан танан — фаълун фоилун вазнида. Унинг учта зарби бор, биринчи сабаб — и ҳафийф (тан)нинг «т» сида ва икки фосила (тананан) «т» ларида».

Жомий «Рисолайи музикий»да пардаларни қандай белгилашни ҳам муфассал баён қилади. Муסיқа пардалари ҳақида ўқувчилар кам маълумотга эга бўлгани учун Жомий асаридаги шу ўриннинг қисқа ва содда баёни бундай: музикийшунослар нағмаларини чолғу торида бир-бирига қиёслаб ўн еттита нағма борлигини аниқлаганлар.

Муסיқа ва шеърият ўртасидаги алоқадорлик, уларнинг ҳамоҳангликда инсон руҳиятига эстетик таъсири масаласи XV аср шоири Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси» рисоласида таҳлил қилинган. Мажозий услубда ёзилган бу асарда Танбур, Уд, Чанг, Қўбуз, Рубоб ва бошқа созлар бир-бирлари билан мунозара — баҳс қилдилар. Танбур ўз санъатини мактайти. Уд уни рад қилади ва ўзини таърифлайди. Ниҳоят мунозарага Пири ҳаробат, соқий аралашиб, созларга насихат қилади ва уларнинг ўзига хос фазилати борлигини таъкидлайди. Шоир музикий созларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида сифат ва фазилатини таъкидлаш орқали мажозий тарзда мактанчоқ, худбин, такаббур баъзи санъат аҳлини қоралайди.

Республикаимизда байрамларни ташкил этишга бўлган эътибор жудаям кучайди. Байрамлар маданий тадбирларнинг асосий бўлакларидан бири сифатида юртимизнинг барча хонадонларига кириб бормоқда. Маданият муассасалари ва санъат масканларида, умуман, санъат ёки маданият соҳасига тегишли бўлмаган ташкилотларда ҳам байрамларни юқори савияда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун албатта байрам ўтказишнинг ташкилий гуруҳи тузилиб, ижодий ва ташкилий жараёнлар бошланади.

Байрамлар халқнинг хурсандчилиги, шоду хуррамлигини ўзида акс эттирувчи тадбирлар турига киради. Ҳар бир халқнинг тарихий тараққиёт давомида шаклланиб келган ўз байрамлари бўлади. Уларни ўтказиш ва ташкил қилиш усуллари йилдан-йилга ўзгариб, янгиланиб, замонавийлашиб бораверади. Байрамлар ўтказилиши жиҳатида синтетик шаклга эга бўлиб, уни тайёрлашда тарихий шахслар, халқ қаҳрамонларининг тимсоллари иштирокидаги сахна кўринишлар, театрлаштирилган лавҳалар, фан, маданият, санъат арбоблари билан учрашувлар, концерт дастурлари, спектакллар, дорбоз ва кизикчиларнинг чиқишлари, спорт ўйин ва мусобақалари, турли амалий, тасвирий санъат асарлари, шунингдек болалар техник тўғараклари иштирокчилари томонидан ясалган техник воситаларининг кўргазмалари каби кўплаб шакл ва усулларини бирлаштиради [5:9].

Байрамлар кишилар ҳаётидаги энг қувончли, ҳиссиётли дамлар, хушқайфият чоғлар, бирдамлик, меҳр-оқибат, келажакка ишонч туйғуларини ўзида қамраб олган буюк бир ижодий ва ташкилий жараёндир.

Байрамлар ўз-ўзидан байрам шаклига келмайди, уни ташкил этиш керак. Кишилар имкониятини ҳисобга олиб, замон талабларидан келиб чиқиб, миллийлик, урф-одат, анъаналарга содиқ қолган ҳолда, мавзу ва ғоя уйғунлигида ташкил этилган байрам ва томошалар юқори даражада ўтказилган тадбирлардан ҳисобланади. Чунки инсонлар байрамларга маданий ҳордиқ чиқариш учун, бўш вақтини тўғри ташкил этиш учун, эстетик завқланиш, кайфиятини кўтариш ва бошқа ижобий ҳислатларни жо қилиш учун келади. Бу эса унинг эртанги кундаги амалга оширадиган ижобий ишларига кизиқишини янада орттиришга, ўз меҳнатидан завқ олишига, меҳнат унумдорлигига эришишига, оиласи, Ватанини севишга, ижтимоий ҳаётга муносабатини яхшилик томонга ўзгартиришига олиб келади.

Байрамларни ташкил этишнинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган.

Майдон томошаларида байрам раҳбари ва бош режиссёр раҳбарлигида юздан ортиқ турли тоифа саҳналаштирувчи ижодкорлар – оммавий томошалар бош режиссёрлари, бош балетмейстер, бадий лавҳалар бош балетмейстерлари, оркестрлар ва ансамбллар раҳбарлари, мувофиқлаштирувчи режиссёрлар, саҳналаштирувчи режиссёрлар, шунингдек қатор саҳналаштирувчи балетмейстерлар, рассомлар, суҳандонлар, овоз режиссёрлари, овоз операторлари, ижодий-ташқилий гуруҳ, либосчилар, пардозловчилар, техник таъминотчилар байрамни тайёрлаш ва ўтказишдек сермашаққат ишни амалга оширадилар [6:9].

Адабиётлар

1. Аҳмедов Ф. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. –Т.: “Аълоқачи”, 2008.
2. Қорабоев У. “Ўзбек халқ байрамлари”. –Т.: “Шарк”, 2002.
3. Муҳаммад Х. “Сценарийнавислик асослари”, –Т.: “Фан ва технология”, 2008.
4. Умаров М. “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи”. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.
5. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). Ўзбекистон бадий академияси санъатшунослик илмий тадқиқот институти. –Т.: «Чарк», 2001, 195-б.
6. Немиров О. Праздничный город. –Л.: 1987. –С. 9.
7. Махмуд Қошқарий. “Девону луғоту-турк”, 1 том. –Т.: “Fan”, 1963, 447.

РЕЗЮМЕ. Республикамізда байрамларни ташкил этишга бўлган эътибор жудаёам кучайди. Байрамлар маданий тадбирларнинг асосий бўлақларидан бири сифатида юртимизнинг барча хонадонларига кириб бормоқда. Маданият муассасалари ва санъат масканларида, умуман, санъат ёки маданият соҳасига тегишли бўлмаган ташкилотларда ҳам байрамларни юқори савияда ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

РЕЗЮМЕ. Внимание к организации праздников в нашей стране растет. Праздники как одна из основных частей культурных мероприятий охватывают все дома страны. Большое внимание уделяется организации торжеств на высоком уровне в учреждениях культуры и арт-площадках, а также в организациях, не относящихся к сфере искусства или культуры в целом.

SUMMARY. The attention paid to the organization of holidays in our country. Holidays as one of the main parts of cultural events are reaching all homes of the country. Great attention is paid to the organization of celebrations at a high level in cultural institutions and art venues, as well as in organizations that do not belong to the field of art or culture in general.

UDK. 32-(96-97):19-20

QARAQALPAQ XALQ DASTUR QOSIQLARI – XALQIMIZDIN AJAYIP ONERLERININ BIRI

G.Xodjametova – *tariyx ilimlerinin kandidati, docent*

O'zbekstan mamlekeli k'rkem oner ham madeniyat instituti N'okis filiali

Tayanch so'zlar: folklor, baxshi, jirov, qissaxon, shoyir, xalq dastur qo'shiqlar.

Ключевые слова: фольклор, бахши, жиров, рассказ, поэт, песни народного творчества.

Key words: folklore, bakhshi, jirov (bard), story, poet, folk songs.

Qaraqalpaq xalqı bay ruwxıy mádeniyatqa iye. Ásirese, awızeki ádebiyat xalqımızdın ásirler boyı ajıralmas joldası bolıp, onıń arızıw-ármanın, tilegin, milliy tariyxımızda tereń iz qaldırǵan elewli waqıyalardı sáwlelendiriwde úlken áhmiyetke iye bolıp keldi. Bul altın ǵáziyineniń bizge shekem jetip keliwinde folklordın ayırıwshılıǵı – baqsılar, jırawlar, qissaxanlar, shayırlar, ertekshiler hám t.b. adamlar úlken xızmet isledi. Ǵárezsizlik dáwirine kelip, biziń ruwxıy mádeniyatımız tariyxında baxsıshılıq óneri burın kórimegen dárejede rawajlandı.

Qaraqalpaq xalqı dástúr qosıqlarınıń rawajlanıw baǵdarların házirgi waqıtta xalqımızdın ruwxıy turmısında úlken rol' oynap kiyatırǵan toy baslar, bet ashar, sıńsıw, joqlaw hám t.b. janrlardıń házirgi waqıttaǵı rawajlanıw ózgesheligine toqtap óttik. Olardıń hár qaysısına toqtap, atı

Куй, қўшиқлар ва мусика барчамизнинг ҳаётимизга шундай сингиб кетганки, байрамларни санъатнинг бу турисиз тасаввур қилиш мумкин емас. Демак мусика, унинг оммавий байрам ва томошаларда тўтган ўрни ва роли, бастакорлик ижоди ҳақида:

Байрам қатнашчиларини кийинтириш, мавзуга мос равишда либос танлаш жараёни ҳам байрам ёки томошада томошавийликка эришишининг муҳим шартидир. Демак, либослар ва улардан фойдаланиш тўғрисида фикр юритамиз.

Мана шу еттита фаолият (соҳа) замонавий байрамлар режиссураси ва уни тўғри ташкил этишнинг асосий мезонидир. Замонавий байрамларни ташкил этишда кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, замон, давр талабига мос яшаш, жамият тараққиётига ҳисса қўшиш каби ҳислатларни унинг мазмунига сингдириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Оммавий байрамлар маданий тадбирларнинг олий кўриниши бўлиб, инсоният тарихининг ривожланиши билан такомиллашиб келган. Шунинг учун ҳам мазкур дарснинг асосий қисми байрамлар мавзусига қаратилган.

Шарқнинг буюк олими Махмуд Қошқарий “Байрам-халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир” [7:447], деган эди. Бирор-бир муҳим ижтимоий воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш байрам деб тушинилади.